## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

### *Ислоҳот - инсон учун*

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ - БОШ ТАМОЙИЛ

**Тўқсонинчи йилларнинг бошида собиқ шўролар тузуми емирилиб, мустақил давлатлар ташкил топди ва улар ўз тараққиёт йўлларини танлаб ола бошладилар. Ўзбек халқи ҳам ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди.**

Илғор мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ўзбек халқининг тарихий анъаналари, халқимиз менталитети, реал шароитни ҳисобга олиб ривожланиш йўли танлаб олинди. Айни чоғда ҳатто ривожланган мамлакатлар тан олган «ўзбек модели» ўзига хос ва ўзига мос йўлдир. Мана шу йўлни танлаш ва уни амалга ошириш Президентимиз Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу йўл ҳозирги даврда беш тамойил шаклида аниқ ифода этилади. Унда бозор иқтисодиётига ўтиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Чунки бозор фақат мақсад бўлмасдан, одамлар фаровонлигини сифат жиҳатидан тубдан юқори даражага кўтариш воситасидир. Мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг тамойиллари мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаёқ белгилаб берилди. Бунда республикамизнинг ички иқтисодий сиёсати, реал воқелик ҳисобга олинган ҳолда жаҳон тажрибасининг илғор томонларидан ижодий фойдаланиш асосида ривожланиш йўллари белгилаб берилди.

Бу тамойиллар биринчи марта шаклланган ҳолда 1993 йилда «Комсомольская правда» газетаси саволларига Ислом Каримов томонидан берилган жавобларда берилди. «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деб номланган китобчада у бу тамойиллар ўз аниқ ифодасини топди. Улар қуйидагилардан иборат:

1) иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши лозим;

2) давлат бош ислоҳотчи;

3) Қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак;

4) кучли ижтимоий сиёсат; ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларидан фойдаланиш;

5) бозорга босқичма-босқич тадрижий (эволюцион) ўтиш.

Агар шу тамойиллар эълон қилинган даврда айрим шубҳалар, айниқса Россия мутахассислари томонидан билдирилган бўлса, эндиликда бу йўлнинг тўғри эканлигини ҳаёт тўла тасдиқлади ва жаҳон афкор оммаси томонидан тан олинди. Бу тажриба бошқаларда катта қизиқиш ва ўрганишга мойиллик туғдирмоқда.

Хўш, бу тамойиллар қабул қилиниши тасодифий воқеа бўлдими ёки у илмий-амалий асосга эгамиди? Ҳозирги даврдаги чуқур таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, бу тамойилларнинг вужудга келиши узоқни ўйлаб, реал имкониятлар доирасида қабул қилинган ва ниҳоятда тўғри илмий асосга эга қоидалар мажмуидир.

Айниқса бозор механизмларини тўла жорий этишдан аввал инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.

Чунки Ўзбекистон собиқ шўролар даврида иқтисодий салоҳияти жиҳатидан 15 республика орасида учинчи ўринни эгаллашига қарамасдан, фаровонлик даражаси бўйича ўн тўртинчи ўринда бўлган. Гўшт истеъмол қилиш бўйича ўртача иттифоқдагидан 3 марта, уй-жой таъминоти бўйича 2 марта ортда бўлган. Ўзимизда газ ишлаб чиқариб, ўтин, тезак ёқишга мажбур эдик. Демозафия масаласи айниқса мушкул аҳволда эди. Аҳоли сонининг ярми вояга етмаган фарзандлар, уч миллионга яқин пенсионер, 750 минг ногиронлар, оилада кўп фарзандлилик, аҳолининг асосий қисми, яъни 60-65 фоизи қишлоқларда яшашини алоҳида таъкидлаш керак.

Экологик муҳитнинг оғирлиги, жумладан, сув ва тупроқнинг заҳарланганлиги, Орол фожеаси ва бошқалар бозор муносабатларини дарҳол, кўр-кўрона қўллашнинг салбий оқибатларини яққол кўрсатар эди.

Ижтимоий ҳимоялашни бош вазифа қилиб қўйган иқтисодий сиёсат ўзини тўла оқлади. Аҳолини ҳам иқтисодий, ҳам психологик жиҳатдан бозор муносабатларига босқичма-босқич тайёрлаш тактика ва стратегияси ўзининг ижобий томонларини кўрсатмоқда.

Мустақиллигимизнинг саккизинчи йили, XXI аср бўсағасида эришилган ютуқлар, ислоҳотларнинг аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишига таянган ҳолда, уларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Бу мамлакат иқтисодий ҳаётини янада эркинлаштириш демакдир. Бунда ижтимоий ҳимоя сақланган ҳолда бозор механизмларининг фаоллиги, самарадорлигини янада ошириш талаб этилади. Эркин бозорда танлаш ва тадбиркорлик тамойиллари кучайиши, нарх-навонинг талаб ва таклиф асосида бозорда белгиланиши, эркин рақобат ҳал этувчи ўринни эгаллаши, нодавлат мулк шаклларининг ривожи, давлатнинг иқтисодиётга камроқ аралашуви рўй беради. Яъни бозор ўзининг мумтоз қонунлари асосида тараққий этиши керак.

Яқин беш йил ичида иш ҳақининг энг кам миқдори 3,5 баравар ошади, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад 1,8-2 баравар оширилиши кўзда тутилган. 2005 йилгача қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 85 фоизга, табиий газ етказиб бериш 82 фоизга етказилиши кўзда тутилган. Бунинг учун 1999-2005 йилларда қишлоқ жойларда 30 минг километрга яқин газ, 18 минг километр сув қувури тармоқларини ишга тушириш талаб этилади.

Халқ фаровонлигини барқарор, қадамба-қадам ошириб бориш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни устувор йўналиш қилиб белгилаб, шу йўл билан ислоҳотлар фақат инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилишини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

**Абдухалил РАЗЗОҚОВ,**
**профессор.**

**Ургут туманида ҳам мустақиллик йилларида қурилиш ва ободончилик борасида катта ишлар амалга оширилди. Инфратизилмани ривожлантириш - аҳолини газ, ичимлик суви билан таъминлашда бурилиш ясалди.**

**Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинди.**

**Қуйида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.**

## 22 ТА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Мустақиллик йилларида туманимизда 18 та қишлоқ врачлик нуқталари ишга туширилди. Шундан тўрттаси янги лойиҳа асосида қурилган бўлса, улардан иккитаси давлат маблағи ҳисобига, иккитаси ҳашар йўли билан бунёд этилди. Қолган 14 та муаззам соғломлаштириш биноси эса жамоа хўжаликлари маблағи ҳисобига реконструкция қилинди. Мустақиллик байрами кунигача битта қишлоқ врачлик нуқтаси ишга туширилиб, йил охирига бориб улар сони 22 тага етказилади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида шу кунгача марказий шифохонанинг туғруқ мажмуи тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Туман шифохонасига диагностика даволаш маркази - «ЎзБАТ» қўшма корхонаси ҳисобидан 250 минг АҚШ доллари миқдорида диагностика ва даволаш аппаратлари олиб берилди.

Марказий шифохона қошида 80 ўринга мўлжалланган шошилинч ёрдам туман бўлинмасига ажратилган бинони таъмирлашга туман тиббий ходимлари бир кунлик иш ҳақларидан - 262 минг сўм ажратдилар.

Тиббий муассасаларда аҳолига 31 турда хизмат кўрсатилмоқда. Ультратовуш, гастроэндоскопия, рентген, флюро, электрокардиограмма текширувлари йўлга қўйилди. Жумладан, шу йилнинг олти ойи мобайнида 66464 туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилиб, 30290 аёл соғломлаштирилди. Бундан ташқари, тиббий муассасалар қошидаги 320 та кундузги даволаниш ўринларида 5264 бемор даволанди.

**Фармон АЗИЗОВ,**
**туман соғлиқни сақлаш бўлими бош ҳакими.**

## НАФАҚАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА

Ургут - тоғли, хушҳаво масканга жойлашган. Бу ернинг қадим чинорлари сингари йигитлари Алпомиш келбатли, қизлари Барчин сифатли бўлиши бежиз эмас. Туманимизда қутлуғ 100 ёшдан ошганлар сони 20 нафардан ортиқ.

Туманда 30 мингдан ошиқ нафақахўр бўлиб, шундан 600 нафари уруш қатнашчилари ва ногиронлари, 150 нафари ўзгалар ёрдамига муҳтож якка-ёлғизларга ойига 150 миллион сўмлик нафақа пули тўланмоқда. Улар барча имтиёзлардан тўлиқ баҳраманд бўлиш билан бирга, шу йилнинг ўзида Аёллар йили, Халқаро хотин-қизлар, Хотира ва Қадрлаш куни, Наврўз байрами муносабати билан уларга қарийб бир миллион сўмлик совға-саломлар улашилди.

Туман ҳокимининг шу йил 20 январдаги қарорига асосан 154 нафар якка-ёлғизларга 15 нафар назоратчи хизмати йўлга қўйилди, шундан 74 нафарига шу кунгача имтиёзли 577564 сўмлик турли озиқ-овқат маҳсулотлари ойма-ой етказиб берилди. 45 нафар якка-ёлғизларга оталиқ ташкилотлари томонидан 45100 сўмлик моддий ёрдам уюштирилди.

Қишлоқ фуқаролари йиғини, маҳалла қўмиталари иштирокида ижтимоий ёрдамга муҳтож 1400 нафар оилалар, нафақахўр ва ногиронлар аниқланиб, ҳомий ташкилотларга бириктирилди. Ҳамза, Навоий, Ш. Рашидов номли «Зарафшон» ва қатор хўжаликлардан махсус ҳисоб рақамига 234000 сўм маблағ қўйилди. Натижада 17 нафар юролмайдиган фуқароларга ногиронлар аравачаси олиб берилди.

**Бекмурод БЕРДИЕВ,**
**туман ижтимоий таъминот бўлими мудири.**

## МУҲИМИ ОДАМЛАР ИШОНЧИ

*Ургут - Самарқанд вилоятимизнинг энг йирик туманларидан бўлиб, бу ерда 320 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, айниқса инфра тизилмани ривожлантириш давр олдимизга қўяётган ўта муҳим вазифалардандир.*

*Айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида бу борада шундай улуғвор ишлар қилиндики, бу ҳақда кеча - мустабидлик йилларида тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди.*

*Эътибор беринг-га: туманда газлаштириш 1990 йилда 0,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1999 йилнинг шу даврига келиб бу кўрсаткич 71,2 фоизга етди.*

*Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 85 фоизга кўтарилди. Мустақилликкача бўлган даврда бор-йўғи 20-25 қудуқдан насослар орқали сув олинар эди, холос. Эндиликда 292 қудуқ суви қувурлар орқали 696 километр масофадаги хонадонларга кириб борди. Шундан 11 километри шу йилнинг 6 ойида бажарилди.*

*Шунингдек, 6 минг квадрат метр уй-жой, 200 квадрат метр савдо нуқталари, 100 ўринли умумий овқатланиш, учта етмиш ўринли маиший хизмат нуқталари қурилди.*

*Бугунги кунда ёш авлодни билимли ва маданиятли, замон олдимизга қўяётган мураккаб вазифаларни уддалашга қодир кишилар қилиб тарбиялашдан муҳимроқ иш йўқ.*

*Шунинг учун ҳам Ургут туман ҳокимлигининг Мустақилликнинг 8 йиллик байрамига 8 та мактаб қуриш ташаббуси меҳнаткашлар томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Бобур, Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Шароф Рашидов номли, «Акрамобод», «Ғиждувон», «Зарафшон» жамоа хўжаликларининг маблағлари, корхона ва ташкилотларнинг ёрдами билан қисқа вақт ичида 3734 ўринли замонавий ўқув даргоҳлари қад ростлади. Бу вилоят туманлари ўртасида энг юқори кўрсаткичдир.*

*1 сентябр куни жуда кўплаб қурилиш масканлари сингари шинам ва кўркам янги ўқув даргоҳларида ҳам очилиш маросимлари ўтказилиб, ўқувчилар ва ота-оналар мустақиллик инъом этган яна бир қувонч ва қулайликлардан баҳраманд бўладилар.*

**Шуҳрат АЛИЕВ,**
**туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари.**

## 500 ЎРИНЛИ СТАДИОН

**Барча хонадонларимиз табиий газ, ичимлик суви билан тўла таъминланган. Қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизилган. 3 та мактаб, 6 та соғлиқни сақлаш нуқталари, сартарошхона, обжувоз, тегирмон, қассобхона, озиқ-овқат дўконлари ишлаб турибди.**

**Хўжалик ҳудудида жаҳон андозаларига мос келадиган 500 ўринли стадион қурилиб фойдаланишга топширилиши мустақиллик шарофати билан бўлди.**

**Бу ерда ташкил этилган «Ғаллакор» футбол жамоаси ҳар йили моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда. Шу пайтгача биргина касаба уюшма қўмитаси томонидан спорт тадбирлари учун жамоага - 200 минг сўмга яқин маблағ ажратилди.**

**«Наврўз наволари» дастаси хўжалигимизда 1994 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Ана шундай ғамхўрлик туфайли даста «Ўзбекистон - Ватаним маним» республика кўрик танловида муваффақиятли иштирок этди.**

**Хўжаликда Оила йили муносабати билан 15 ёш оилага уй-жой қуриш учун ер ўлчаб берилди. 19 нафар йигит ва қизлар янги иш ўринларига жойлаштирилди.**

**Жамоадаги ҳар бир ишловчи, ногирон ёки боқувчисини йўқотганлар ижтимоий муҳофазага олинган ҳолда мактаб ўқувчиларининг яхши ўқиб, мароқли дам олишлари учун ҳам ғамхўрлик қилинмоқда. Жумладан, хўжалик ҳудудидаги 16-ўрта мактабнинг 5 нафар энг яхши ўқувчисига 1000 сўмдан, 11 нафар ўқувчига 5000 сўмдан пул мукофоти берилди.**

**Кўриниб турибдики, умидли ҳар бир ташаббусни илғаш ва қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёшларга эътиборли бўлиш касаба уюшмаларининг доимий эътибор марказида турибди.**

***Райим ОТАҚУЛОВ,***
***Ҳамза номли хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси.***

***Материалларни «Ишонч» мухбири Ялғош САРИЕВ тайёрлади.***



Монреал

## OLAMDA NIMA GAP

**А Н Қ А Р А. Давлат хавфсизлиги суди томонидан Абдулла Ўжоланга чиқарилган ҳукм билан танишиб чиққан Туркия Бош прокурори Вурал Саваш уни тасдиқлашини маълум қилди.**

**Энди А.Ўжолан иши Туркия Буюк Миллат мажлисига (парламент) жўнатилади. Парламент депутатлари Курд ишчи партияси етакчисига чиқарилган ўлим ҳукмини ўз кучида қолдириш ёки уни террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги қонунга кўра ўттиз олти йиллик қамоқ жазоси билан алмаштириш ҳақида қарор қабул қилиши керак.**

* * *

**П Х Е Н Я Н. КХДР** *ҳукумати Тайван маъмуриятини Хитойдан ажралиб чиқишга ҳаракат қилишда айблади. Бу ҳақда Шимолий Корея ташқи ишлар вазирлиги вакили айтди. Унинг сўзларига қараганда, расмий Тайбэй айирмачилик кайфиятидан воз кечиши керак. Биз Хитой ҳукуматининг «бир давлат, икки тузум» тамойили асосида мамлакатни бирлаштириш йўлидаги хатти-ҳаракатини қўллаб-қувватлаймиз, деди КХДР ташқи сиёсат маҳкамаси вакили.*

* * *

**К О Б У Л. Аҳмадшоҳ Масъуд бошчилигидаги Бирлашган фронт қўшинлари толибларга қарши ҳужум бошлади. Натижада улар Кобул шимолидаги илгари қўлдан бой берилган ҳудудларнинг катта қисмини қайтариб олишга муваффақ бўлди.**

**Бирлашган фронт вакилининг айтишича, Аҳмадшоҳ қўшинлари Чорикор шаҳри ва Каписа вилоятининг маъмурий маркази - Маҳмудракини эгаллаган. Жанглар давомида толибларнинг 400 нафарга яқин аскари ўлдирилган, 10 та танки ва 25 та ҳарбий юк машинаси ўлжа қилинган.**

* * *

**Б А Ғ Д О Д.** *Ироқ ҳукумати мамлакатнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа кучларини замонавийлаштириш борасида қатор тадбирлар ўтказишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда мазкур кучлар қўмондони генерал-лейтенант Шоҳин Ясин ат-Тикритий маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий авиациясининг Ироқ шимоли ва жанубига уюштираётган ҳужумлари тобора кучаяётгани ана шундай йўл тутишга мажбур қилмоқда.*

* * *

**П Х Е Н Я Н. Ҳеч қандай таҳдид КХДРни янги ракета учиришдан қайтара олмайди. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакили айтди. Унинг сўзларига қараганда, бошқа мамлакатларда бўлгани сингари КХДРнинг ҳам фазовий тадқиқотлар ўтказишга ҳуқуқи бор.**

**Шимолий Корея маъмурлари жаҳон ҳамжамиятини мамлакатда ракета технологияси борасида амалга оширилаётган ишлар фақат фазовий тадқиқотлар ўтказишга хизмат қилишига ишонтиришга ҳаракат қилмоқда. Бироқ АҚШ, Жанубий Корея ва Япония сингари давлатлар бу ишлар ҳарбий мақсадларга қаратилганини айтиб, КХДРни бу дастурга чек қўйишга чақиряпти.**

**(ЎзА)**

## ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ

Янги ўқув йилида ишга тушадиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида сўнгги тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Республикамиз пойтахтида очилаётган Тошкент қурилиш-коммунал коллежи ҳам биринчи сентябрга тахт қилиб қўйилди.

Янги коллежда ўнга яқин ихтисослик бўйича кадрлар ўқитилади. Бу таълимий жараёнлар учта йўналишда олиб борилади. Қурувчилар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилади. Бу ихтисосликни эгаллаган ёшлар қурилиш-пардозлаш бинокорлари бўлиб етишадилар. Умумий қурилиш йўналишида билим олган ёшлар электр пайвандчи деган қўшимча ихтисосга ҳам эга бўладилар.

Коллеж иқтисодий йўналиш билан боғлиқ ёш мутахассисларни тайёрлаш билан ҳам шуғулланади.

Янги турдаги ўқув юрти биносини кўркам қилиб тиклашда «Тоштураржойинвесқурилиш» корпорациясининг 159-трести бунёдкорлари жонбозлик кўрсатдилар.

## «ЗАМИН САХОВАТИ» ЯРМАРКАСИ

*Навоий вилояти деҳқонлари ўзлари етиштирган ноз-неъматларни шаҳар аҳолиси дастурхонига тортиқ этмоқдалар. Шу мақсадда «Замин саховати» ярмаркалари ташкил этилмоқда. Навбаҳор, Қизилтепа, Навоий, Хатирчи туманларидан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари навоийликларга ғоят манзур бўлди. Ўртачўл массивидаги 22та фермер хўжалигида етиштирилган полиз, сабзавот ва мева маҳсулотлари нисбатан арзон нархда сотилди.*

*Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари ҳамда Томди, Нурота ва Конимех туманларида ҳам шанба, якшанба кунлари ана шундай ярмаркалар ташкил этилмоқда.*

## ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИК АТЛАСИ

Янги 1999-2000 - ўқув йили таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда янги босқич бўлади. Ўқувчи ёшларга пухта билим бериш, уларни замонавий илмлар билан ошно қилишга қаратилган таълимий тадбирлар ҳам ижобий натижаларини бермоқда.

Биринчи сентябр арафасида қатор янги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг чоп этилиши ҳам қувонарлидир. Шу ўринда «Ўзбекистон географик атласи» босиб чиқарилганлиги ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Тошкент Давлат университети география факультетининг бир гуруҳ олимлари бу янги қўлланма устида жиддий иш олиб бордилар. «Ўзбекистон географик атласи» ўрта мактаб дарслик ва ўқув қўлланмаларига мувофиқ ҳолда тайёрланди.

Атлас 7-8 - синфларда «Ўзбекистон табиий географияси» ҳамда «Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий географияси» дарсларида зарур ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилади. Ўқувчиларнинг мустақил Ватанимизнинг табиий ва иқтисодий географияси нуқтаи назардан пухта ўрганишларида атласдан кенг фойдаланилади.

## Ангрен байрам арафасида

Кончилар шаҳри Ангренда Республикамиз истиқлолининг саккиз йиллиги тантаналарига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ерда боғ ва хиёбонларни, кўчаларни, маҳаллаларни ободонлаштириш, янги турар жой биноларини қуриш ва таъмирлаш ишлари авжида. Байрамгача учта гузар, бир қатор савдо ва маданий-маиший корхоналар, автобекатлар фойдаланишга топширилади. Эътиборли томони шундаки, бундай иншоотларнинг аксарияти хусусий тадбиркорлар томонидан барпо этилмоқда.

Байрам арафасида шаҳар ёшлари ҳам ажойиб совға олади. Ҳадемай бу ерда барча қулайликларга эга бўлган муҳташам «Бахт уйи», «Кимёгар» ўйингоҳида теннис корти, волейбол ва баскетбол майдончалари ишга туширилади, «Дукент» қўрғонида эса турли атракционларга бой сўлим боғ болаларни ўз бағрига олади.

**(ЎзА)**

